

## «Идентификация учун iPhone 13 Pro» АКЦИЯСINI ЎТКАЗИШ ҚОИДАЛАРИ

2024 йил 29 март.

1. Мазкур Қоидалар «Идентификация учун iPhone 13 Pro» рағбатлантирувчи Акциясини ўтказиш шартларини, унинг Иштирокчиларини аниқлаш, ҳуқуқ ва мажбуриятларни, шунингдек ушбу Қоидаларда кўрсатилган бошқа шартларни тартибга солишни белгилайди ва А-Рау Электрон пул тизимида Акцияни ўтказиш қоидаларига мажбурий Илова ҳисобланади.
2. Акция номи: «Идентификация учун iPhone 13 Pro» (кейинги ўринларда Акция деб юритилади). Акция «А-Рау» Электрон пул тизимининг идентификацияланмаган мижозлари ўртасида мижозларни идентификациядан ўтишга чорлаш, шунингдек, қизиқиш уйғотиш ва таниқлиликни ошириш мақсадида ўтказилади.
3. Акция ташкилотчиси «CENTER FOR DIGITAL TECHNOLOGY AND INNOVATION» МЧЖ А-Рау Электрон пул Тизими Оператори ҳисобланади.
4. Акция ўтказиладиган ҳудуд – бутун Ўзбекистон Республикаси.
5. Акция лотерея ёки таваккалчиликка асосланган бошқа ўйин саналмайди, Иштирокчилардан иштирок этиш учун ҳақ тўлашни талаб қилмайди.
6. Акцияда иштирок этиш мажбурий эмас.
7. Акция ўтказиш ва ғолибларни аниқлаш муддати: Тошкент вақти билан, 2024 йил апрель соат 10:00 дан 2024 йил «22» апрель соат 17:00 гача. Акция ғолиблари 2024 йил 23 апрель куни Тошкент вақти билан соат 16:00 да аниқланади. Акция ғолибларини аниқлаш куни ташкилотчи томонидан Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган дам олиш ва байрам кунларини ҳисобга олган ҳолда, шунингдек ташкилотчидан мустақил бўлган ҳолатлар юзага келган тақдирда ўзгартирилиши мумкин.
8. Акция иштирокчиси мақомини олишга талабгорлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшовчи 18 ёшга тўлган Ўзбекистон Республикасининг муомалага лаёқатли фуқаролари, шунингдек «А-Рау» Электрон пул тизимининг идентификациядан ўтмаган фойдаланувчилари бўлиши мумкин.
9. Ташкилотчи Акцияни ташкил этишда холислик, ҳаққонийлик, ҳалоллик ва очиқ фикрни таъминлайди.
10. Иштирокчиларни Акция Қоидалари ҳақида хабардор қилиш Ташкилотчининг <http://www.a-pay.uz> манзилидаги веб-сайтида ва (ёки) «А-Рау» мобил иловасида тегишли маълумотларни жойлаштириш орқали, шунингдек Ташкилотчи хоҳишига кўра, бошқа усуллар билан амалга оширилади. Акция Иштирокчилари, Акция Ғолиблари тўғрисидаги маълумотлар <http://www.a-pay.uz> веб-сайтида эълон қилинади.
11. «А-Рау» Электрон пул Тизимида Акция Иштирокчиси мақомини олиш шартлари:
  - 11.1. Мобил иловада «А-Рау» электрон пул тизимида рўйхатдан ўтиш ёки «А-Рау» Электрон пул тизимида идентификациядан ўтмаган фойдаланувчи бўлиш.
  - 11.2. Ушбу Қоидаларнинг 7-бандида кўрсатилган Акциянинг амал қилиш муддати доирасида тегишли ҳужжатларни тақдим этиш орқали электрон ҳамён эгасининг шахсини аниқлаш мақсадида «А-Рау» Электрон пул тизимида (босқичма-босқич кўрсатмаларга мувофиқ) масофадан туриб Идентификациядан муваффақиятли ўтиш.
12. Агар ушбу Қоидаларнинг 11-бандида назарда тутилган ҳаракатлардан бири бажарилмаган бўлса, унда потенциал иштирокчи Акция шартларини бажармаган деб ҳисобланади ва шунга мос равишда Акция Иштирокчиси мақомини олмайди.

13. Ушбу Қоидаларнинг 11-бандида кўрсатилган барча шартларни бажарган шахс Акция Иштирокчиси мақомини олади. Акциянинг ҳар бир Иштирокчисига шахсий ID берилади. Акция Иштирокчилари сони чекланмаган.
14. Акцияда қатнашиш ва/ёки соврин олиш ҳуқуқига қуйидагилар эга эмас:
  - 14.1. Акция даври бошланишидан олдин ва ундан кейин идентификациядан ўтган «А-Рау» Электрон пул тизими фойдаланувчилари;
  - 14.2. Ушбу Қоидаларнинг 11-банди талабларига жавоб бермайдиган Фойдаланувчилар.
  - 14.3. Акция давомида «А-Рау» Электрон пул Тизими Оператори билан меҳнат муносабатларида бўлган жисмоний шахслар, шунингдек уларнинг яқин қариндошлари.
15. **Акция Ғолибларини аниқлаш:**
  - 15.1. Ғолиблар акция ташкилотчиси томонидан Акциянинг барча шартларини бажарган Акция Иштирокчилари орасида тасодифий тарзда аниқланади. Ташкилотчи Ғолибларни аниқлаш учун Ташкилотчи томонидан танланган тасодифий сонлар генераторидан фойдаланиш ҳуқуқига эга. Ғолибларни аниқлаш тартиби Ташкилотчи томонидан белгиланади.
  - 15.2. Акция Иштирокчилари орасида 10 (ўн) нафар Ғолиб танлаб олинади. Ғолиблар белгиланган Иштирокчилар рўйхатидан Instagram ижтимоий тармоғининг «\_\_» апай.уз саҳифасида бўлиб ўтадиган жонли эфирда «random-generator.ru» рандомайзери ёрдамида 2024 йил Тошкент вақти билан соат 16:00 да тасодифий равишда аниқланади.
  - 15.3. Рандомайзер ёрдамида биринчи бўлиб тасодифий танланган Акция Иштирокчиси 10-ўрин соҳиби ҳисобланади. Рандомайзер ёрдамида иккинчи бўлиб тасодифий танланган Акция Иштирокчиси 9-ўрин соҳиби ҳисобланади Рандомайзер ёрдамида учинчи бўлиб тасодифий танланган Акция Иштирокчиси 8-ўрин соҳиби ҳисобланади Рандомайзер ёрдамида тўртинчи бўлиб тасодифий танланган Акция Иштирокчиси 7-ўрин соҳиби ҳисобланади Рандомайзер ёрдамида бешинчи бўлиб тасодифий танланган Акция Иштирокчиси 6-ўрин соҳиби ҳисобланади Рандомайзер ёрдамида олтинчи бўлиб тасодифий танланган Акция Иштирокчиси 5-ўрин соҳиби ҳисобланади Рандомайзер ёрдамида еттинчи бўлиб тасодифий танланган Акция Иштирокчиси 4-ўрин соҳиби ҳисобланади. Рандомайзер ёрдамида саккизинчи бўлиб тасодифий танланган Акция Иштирокчиси 3-ўрин соҳиби ҳисобланади. Рандомайзер ёрдамида тўққизинчи бўлиб тасодифий танланган Акция Иштирокчиси 2-ўрин соҳиби ҳисобланади. Рандомайзер ёрдамида ўнинчи бўлиб тасодифий танланган Акция Иштирокчиси 1-ўрин соҳиби ҳисобланади.
  - 15.4. Акция натижалари Instagram ва А-Рау мобил иловасида алоҳида пост орқали эълон қилинади. Акция Иштирокчилари Ташкилотчилар томонидан эълон қилинган хабарларни мустақил равишда кузатиб борадилар, шунингдек, жамоаларда, ижтимоий тармоқлардаги шахсий аккаунтларда, Операторнинг веб-сайтида, лекин улар билан чекланмаган ҳолда, Акция олиб борилиши, унинг натижалари, киритиладиган ўзгаришлар, совринларни олиш ва улардан фойдаланиш шартлари тўғрисида билиб борадилар. Ташкилотчи томонидан жойлаштирилган эълон/жўнатилган хабар билан танишиб чиқмаслик хавфи Иштирокчи томонида ётади.
16. **Акциянинг соврин жамғармаси** Ташкилотчининг маблағлари ҳисобидан шакллантирилади. Акция совринларининг умумий сони чекланган. Совринлар сони 10 дона. Акция совринларининг ташқи кўриниши, уларнинг ҳажми, шакли, ранги ва бошқа хусусиятлари реклама материалларида тақдим этилган расмлар ва Иштирокчиларнинг шахсий умидлари билан мос келмаслиги мумкин.
17. **Соврин жамғармаси қуйидагиларни ўз ичига олади:**
  - 1-ўрин – iPhone 13 Pro Silver, 128 Гб, 1 дона;
  - 2-ўрин – 300.000 миқдорда бонусли APS;
  - 3-ўрин – 150.000 миқдорида бонусли APS;
  - 4-ўрин – «А-Рау» брендидан Енг, қаймоқранг, ўлчами «oversize», 1 дона;
  - 5-ўрин – «А-Рау» брендидан Бананка, ранги кўк ёки мовий (ғолибнинг танловига боғлиқ), 1 дона;
  - 6-ўрин – «А-Рау» брендидан куртка, ранги кўк, ўлчами ғолибнинг танловига мувофиқ (M,L,XL), 1 дона;



- **7-ўрин** – «А-Рау» брендидан машинанинг ён ойналари учун парда, ранги қора, ғолибнинг танловига мувофиқ Cobalt, Spark, Nexia 3, Gentra, Damas ва Matiz каби автомобиль маркалари учун, 1 дона;
  - **8-ўрин** – «А-Рау» брендидан автомобиль учун қуёшдан сақловчи экран, ўлчами универсал, 1 дона;
  - **9-ўрин** – «А-Рау» брендидан термос, ранги оқ, ҳажми 500 мл, 1 дона;
  - **10-ўрин** – Худи Арауман, ранги кўк, ўлчами «oversize», 1 дона;
18. Ташкилотчининг техник имкониятларига асосланган ҳолда, Ташкилотчи Иштирокчининг Акцияда иштирок этиш ҳолати виждонийлигини мустақил равишда баҳолайди.
19. Агар Ташкилотчига иштирокчини рағбатлантириш учун даъвогарлар орасидан чиқариб ташлайдиган фактлар маълум бўлса (А-Рау Электрон пул тизимида Акцияларни ўтказиш қоидаларига риоя қилмаслик, фирибгарлик, Акцияда инсофсиз иштирок этиш, ўзи тўғрисида ёлғон маълумотларни қасддан тақдим этиш ва ҳ. к.), бундай шахслар Акция иштирокчилари орасидан чиқариб ташланади ва совринни олиш ҳуқуқидан маҳрум қилинади.
20. Ташкилотчи қуйидаги ҳолатларда ғолибга мукофотни бермаслиги ва унинг қийматини қопламаслиги мумкин:
- 20.1. Агар ғолиб совринларни қўлга киритишда имзо қўйишдан ва/ёки бошқа қонуний аҳамиятга эга ҳаракатларни, шу жумладан керакли ҳужжатларни тақдим этишдан бош тортса.
- 20.2. Агар ғолибни у соврин олганлиги тўғрисида хабардор қилиш имконияти йўқ бўлса, ғолибнинг рақами блокланган ва/ёки тармоқ доирасидан ташқарида, ёки Компаниядан мустақил бўлган бошқа сабабларга кўра ғолиб қўнғироққа жавоб бермаса ва/ёки алоқага чиқмаса.
- 20.3. Агар ғолиб томонидан Акцияда иштирок этиш шартларининг бузилиш ҳолатлари аниқланган бўлса.
21. Акция Ташкилотчиси қуйидагилар учун жавобгар эмас:
- 21.1. Акция Иштирокчиларининг Акция шартлари ёки Ташкилотчи томонидан <http://www.a-pay.uz> сайтида жойлаштирилган Акция ғолиблари рўйхати билан танишиш имконияти йўқлиги;
- 21.2. Акция Иштирокчилари томонидан ушбу Қоидаларда назарда тутилган мажбуриятларни бажармаслик/ўз вақтида бажармаслик;
- 21.3. Акция ғолиблари томонидан мукофот ўз вақтида олинмаганлиги ёки уларни олишда бош тортилганлиги учун.
22. Акцияда иштирок этиб, Иштирокчи ушбу Қоидалар билан тўлиқ танишлигини ва шартларга розилигини тасдиқлайди ва қуйидагиларга розилик беради:
- 22.1. Акция ғолибларини ушбу Қоидаларда назарда тутилган тартибда аниқлаш;
- 22.2. Учинчи шахслар томонидан Ташкилотчига нисбатан ҳар қандай даъволар юзага келган тақдирда, Иштирокчи учинчи шахсларнинг ҳуқуқларини бузганлиги сабабли, акция давомида иштирокчи бундай низоларни мустақил равишда ҳал қилиш ва Ташкилотчини учинчи шахсларнинг шикоятлари ва даъволаридан озод қилиш масъулиятини ўз зиммасига олади;
- 22.3. Акцияда ғалаба қозонган Акция Иштирокчиси тўғрисидаги маълумотларни <http://www.a-pay.uz> сайтида жойлаштириш;
- 22.4. Ташкилотчи томонидан шахсий маълумотларни, шу жумладан махсус ва биометрик маълумотларни қайта ишлаш, Ташкилотчи томонидан Акция бўйича ўз мажбуриятларини бажариш мақсадида учинчи шахсларга шахсий маълумотларни тақдим этиш;
23. Соврин топширилиши Ғолибнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатнинг асл нусхаси тақдим этилгандан сўнг, маълумотлар тўлиқ мос келганда амалга оширилади. Совринни олгандан сўнг, ғолиб барча керакли (рўйхатдан ўтиш жараёни, совринни олиш билан боғлиқ) ҳужжатларни имзолаш мажбуриятини олади. Акция Ғолибининг зарур ҳужжатларни имзолашдан ва/ёки бошқа юридик аҳамиятга молик ҳаракатларни амалга оширишдан бош тортиши, шу жумладан талаб қилинадиган ҳужжатларни тақдим этишдан бош тортиши, шу жумладан шахсий маълумотлар билан чекланмаган ҳолда, Ғолибнинг соврин олишдан бош тортиши деб ҳисобланади.
24. Совринлар Акция ғолиблари аниқлангандан кейин 20 (йигирма) иш кунидан кечиктирмай берилади. Ташкилотчи совринни Ғолибга қандай топширилишини мустақил равишда белгилайди ва акция иштирокчиси ўз навбатида совринни ташкилотчи томонидан белгиланган тартибда олиш мажбуриятини олади.



25. ЎзРнинг амалдаги қонунчилигида белгиланган солиқ ва йиғимларни тўлаш бўйича мажбуриятларни совринни олган шахс ўз зиммасига олади.
26. Совринни пул ёки бошқа эквивалент билан алмаштиришга йўл қўйилмайди. Совринлар алмаштирилмайди ва қайтарилмайди.
27. Акциянинг барча Иштирокчилари Акцияда иштирок этиш билан боғлиқ барча харажатларни (шу жумладан Интернетга кириш билан боғлиқ харажатларни) мустақил равишда қоплайдилар.
28. Ташкилотчи ўз ихтиёри билан бир томонлама равишда, исталган вақтда, олдиндан огоҳлантириш ва тушунтиришларсиз, Акцияни тўлиқ ёки вақтинча тўхтатиб туриш, шунингдек ушбу Қоидаларга ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Акцияни муддатидан олдин тугатиш, тўхтатиб туриш, ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш даъволарни келтириб чиқара олмайди. Акция муддатидан олдин тугатилган тақдирда Ташкилотчи бу ҳақда амалдаги ва (ёки) потенциал иштирокчиларни тегишли маълумотларни ўзининг <http://www.a-pay.uz> расмий веб-сайти ва (ёки) мобил иловада жойлаштириш орқали оммавий равишда хабардор қилишга мажбурдир.
29. Ташкилотчи ихтиёрий равишда танлов бўйича тегишли маълумотларни Facebook, Instagram, Telegram ижтимоий тармоқларига жойлаштириш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади.
30. Ташкилотчи ушбу Қоидалардан А-Пау Электрон пул тизимида Акцияларни ўтказиш қоидаларидан четга чиқадиган тушунмовчиликлар, нотўғри талқинлар, тахминлар ёки фикрлар натижасида келиб чиқадиган ҳар қандай даъво ёки зарар учун жавобгар эмас.
31. Агар бирон бир савол, тушунмовчилик ёки бошқа баҳсли вазиятлар юзага келса, Акция иштирокчиси Ташкилотчига муурожаат қилиб, уларни аниқлаштириш / ҳал қилиш учун барча чораларни кўриши керак.
32. Ташкилотчи ўз мажбуриятларини бажаришига бевосита таъсир кўрсатадиган форс-мажор ҳолатлари, шу жумладан тошқинлар, ёнғинлар, иш ташлашлар, зилзилалар ёки бошқа табиий омиллар, оммавий эпидемиялар, давлат ёки ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг буйруқлари ва Ташкилотчига боғлиқ бўлмаган бошқа объектив сабаблар юзага келган тақдирда, Ташкилотчи акция Иштирокчилари олдида жавобгар бўлмайди.
33. Ушбу Қоидаларда назарда тутилган ҳаракатларни амалга ошириш Акция Иштирокчисининг шахсий маълумотларини қайта ишлашга, электрон почта (шахсий ҳисоб, телефон, шунингдек ижтимоий тармоқлар ва ҳ.к.) орқали ушбу Акция ва Ташкилотчининг бошқа Акцияларига тегишли реклама ва ёзишмаларни олишга розилигини аниқлатади. Акциянинг ҳар бир иштирокчиси ўз фотосуратини, видео тасвирини, у билан суҳбатни Ташкилотчининг веб-сайтида ва (ёки) мобил иловада, реклама материалларида, ижтимоий тармоқлар саҳифаларида ва ҳоказоларда жойлаштириш ва нашр этишга ўз розилигини билдиради. Иштирокчининг розилиги Ташкилотчига чексиз муддатга ва ҳеч қандай мукофот тўламасдан берилади.
34. Иштирокчининг ушбу Қоидаларда кўрсатилган ҳаракатларни амалга ошириши, Иштирокчининг Оферта ҳисобланмиш «А-Пау» Электрон пул Тизимидаги Акцияларни ўтказиш қоидаларига тўлиқ ва шартсиз розилигини аниқлатади.
35. Ушбу Қоидалар билан тартибга солинмаган бошқа ҳолатларда, «А-Пау» Электрон пул Тизимида Акцияларни ўтказиш қоидалари қўлланилади. Қоидалар ва/ёки ушбу Қоидалар билан тартибга солинмаган масалаларни ноаниқ талқин қилишга имкон берадиган ҳолатлар юзага келганда, бундай талқин ва/ёки тушунтириш тўғрисида якуний қарор бевосита ва фақат Ташкилотчи томонидан қабул қилинади.
36. Агар бирон сабабга кўра Акция ғолиблари мукофот олишдан бош тортса ёки рад этса, Ташкилотчи Акция совриндорлари (ғолиблари) умумий сонини тегишли равишда камайитириш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади.
37. Ушбу Қоидаларда назарда тутилмаган барча бошқа ҳолатларда Акция ташкилотчиси Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ амал қилади. Томонларнинг жавобгарлик чоралари, шунингдек низоларни ҳал этиш тартиби Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги талабларига мувофиқ белгиланади.

